

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

10-Июн 2022-йил

Янгириак шаҳарчаси

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгириак туман ҳокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси низом асосида иш кўрувчи раҳбар: А.Ражапов бир томондан, кейинги уринларда «пудратчи» деб юритиладиган « REGION STANDART QURILISH » МЧЖ номидан устав асосида иш курувчи раҳбар Р.Юсупов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Янгириак туман ҳокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси да кузда тугилган лойиҳа буйича ишларни бажариши мажбуриятини олади, Буюртмачи эса пудратчига ХОРАЗИМ вилояти ЯНГИРИАК тумани 4P157 йулининг 16-14 км га тунги ёритиш чирокларини мукамал таъмирлаш ишлари учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 2.1 Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва Пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 379 500 000 (Уч юз етмиш тўққиз миллион беш юз минг) сўми ташкил қилади. Шундан ҚҚС—49 500 000 (Қирқ тўққиз миллион беш юз минг) сўми ташкил қилади.
- 2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - жорий таъмирлаш ишлари қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
 - объектнинг бузиш бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.
- 2.3 Объектни жорий таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 2.4 Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1 Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тугилган ишларни бажариш учун:
 -барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тугилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - Буюртмачини Пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, Буюртмачининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
 - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
 - қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
 - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
 - қурилиш майдони қуриқлианишини таъминлаш;
 - қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
 -мазкур шартномада назарда тугилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
- 3.2 Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 15% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 15% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тугилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
- 3.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.
- 3.4 Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва Пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
 - мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тугилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
- 4.2 Буюртмачи мазкур шартномада кузда тугилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса Пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

- 5.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга қиради.
 5.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.
 5.3 Объект иши бошланиши 2022 йил 09 июндан тугалланиши 2022 йил 30 июн кунигача фойдаланишга топширилиши белгиланади.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

- 6.1 Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» килинади.
- 6.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 % (фоизи) миқдорига, бўлган ҳолда аванс ўтказиши, бу **113 850 000_ (Бир юз ун уч миллион саккиз юз эллик минг) сўмни** ташкил этади.
- 6.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
- 6.4 Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширилади.
- 6.5 Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.
- 6.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охиригача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
- 6.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос бўлади.
- 6.8 Пудратчи объект фойдаланишига топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

- 7.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ўстидан техник назоратни амалга оширилади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
- 7.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
- 7.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
- 7.4 пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
- 7.5 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир этмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
- 7.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш кийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаसा, Субпудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

7.7 Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1 Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2 Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1 Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қодалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
 - ўзи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
 - объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қодаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
- Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорига жарима солиш ҳуқуқига эга.

10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

10.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

10.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатио куйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
 - конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
- 10.3 Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.
- 10.4 Мазкур шартномани бекор килишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- 10.5 Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.
- 10.6 Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул қуйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базиси тугрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.
- 11.2 Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги холларда жавобгар булади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун Пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 1% микдорида жарима тулайди;
 - Буюртмачининг ҳисоб қаммига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз Пудратчининг ҳисоб қаммига утқазиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;
 - шартномага мувофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;
 - шартнома шартларига мувофик тайёр холда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;
- 11.3 Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги холларда мулкий жавобгар булади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгиланган кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0,1% микдорда пеня тулайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охири қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 0,1% микдорида жарима тулайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 0,1% микдорида жарима тулайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 0,1% микдорида жарима тулайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун қундан ортик булмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган қамчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,1% микдорида жарима тулайди.
- 11.4 Агарда томонлардан бири уз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон қамларини, қорхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч қалендар қунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тулайди.
- 11.5 Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
- 11.6 Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 10% ошмаслиги қерак.
- 11.7 Тамонлар неустойка, жарима, пеня қами мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

- 12.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.
- 12.2. “Пудратчи” “Буюртмачи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вақиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вақил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи” нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

13. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни тамонлар муҳоқима билан қелишувга эришмасалар, у холда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга муружат қилишлари мумкин.

14. АЛОХИДА ШАРТЛАР

- 14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган тамонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, тамонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

- 14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсати билан Пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
- 14.3 Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
- 14.4 Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
- 14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.
- 14.6 Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.
- 14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
- 14.8 Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122- моддасига асосан Газначилиқдан руйхатдан утгандан кейин юридик қучга қиради ва бу шартнома 31.12.2022-йилгача амал қилади.
- 14.9 Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусxada тузилади.

15. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БУЮРТМАЧИ»

**Янгиариқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги
Ободонлаштириш бошқармаси**

Адрес: *Янгиариқ тумани А.Навоий қўчаси 1-уй*

Тел./факс +998623856765

Шх/р: 401722860332337065200110008_

ИНН: 206 945 594

ОКОНХ: 90 290

Модия Вазирлиги ягона газна ҳисоб вараги №/р:

53402000300100001010 МФО: 00 014 Марказий банк

Тошкент шаҳри ХККМ ИНН: 201 122 919

ОКОНХ:

Раҳбар:



А.Ражапов

(Ф.И.Ш)



«ПУДРАТЧИ»

« REGION STANDART QURILISH » МЧЖ

Адрес: Хонка туман Олажа кишлоғи

Тел./факс +998942303030

Х/р: 20208000200252916001

ИНН: 302696880

МФО: 00553

Банк: АТБ Кишлоққурилишбанк Хоразм филиали

ОКОНХ: _____

Раҳбар:



Р.Юсупов

(Ф.И.Ш)



ХОРАЗИМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИК ТУМАНИ 4P157 ЙУЛИНИНГ 16-14 КМ ГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОКЛАРИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ишларини бажариш

ГРАФИГИ.

№	Объектнинг номлавиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Сум	I - чорак			II - чорак			III - чорак			IV - чорак		
					Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
1	ХОРАЗИМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИК ТУМАНИ 4P157 ЙУЛИНИНГ 16-14 КМ ГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОКЛАРИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ	Дона	80	379 500 000						379 500 000						
X	Жами:	X	80	379 500 000	0	0	0	0	0	379 500 000	0	0	0	0	0	0

« БУЮРТМАЧИ »

« ПУДРАТЧИ »

Янгиарик туман Ободонлаштириш бошқармаси

«REGION STANDART QURILISH» МЧЖ

бошқиси:

А.Ражапов

раҳбари:

Р.Юсупов



ХОРАЗИМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИК ТУМАНИ 4P157 ЙУЛИНИНГ 16-14 КМ ГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОКЛАРИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ишларини молиялаштириш

ГРАФИГИ.

№	Объектнинг номлавиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Сум	I - чорак			II - чорак			III - чорак			IV - чорак		
					Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
1	ХОРАЗИМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИК ТУМАНИ 4P157 ЙУЛИНИНГ 16-14 КМ ГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОКЛАРИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ	Дона	80	379 500 000						379 500 000						
X	Жами:	X	80	379 500 000	0	0	0	0	0	379 500 000	0	0	0	0	0	0

« БУЮРТМАЧИ »

« ПУДРАТЧИ »

Янгиарик туман Ободонлаштириш бошқармаси

«REGION STANDART QURILISH» МЧЖ

бошқиси:

А.Ражапов

раҳбари:

Р.Юсупов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ LQ24678515

1. Loyihaning turi: Pudrat shartnomasi

2. Loyihaning nomi: Xorazm viloyati Yangiariq tumani 4R157 yo'lining 16-14 km ga tungi yoritish chiroqlarini mukammal ta'mirlash bo'yicha mazkur pudrat shartnomasi.

Loyihada Pudratchi "REGION STANDART QURILISH" MChJ va buyurtmachi Yangiariq tuman hokimligi xuzuridagi Obodonlashtirish boshqarmasi, Kattabog' qishlog'i Egrisolma mahallasi Yangi taraqqiyot ko'chasiga o'rnatiladigan tungi yoritish chiroqlarini mukammal ta'mirlash bo'yicha umumiy summasi 379 500 000 so'mlik xizmat ko'rsatish, shuningdek joriy ta'mirlash ishlari 2022-yil 07- iyun kuni boshlab 2022-yil 30- iyunga ob'ektni topshirish pudrat shartnomasida ko'rsatib o'tilgan pudrat shartnomasining amal qilish muddati 31.12.2022 yil qilib belgilangan.

3. Loyiha va ishlab chiquvchisi va kiritilgan haqida ma'lumot: Loyiha Yangiariq tuman hokimligi xuzuridagi Obodonlashtirish boshkarmasi tomonidan 2022 yil 07 iyunda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti
2022 yil 08 iyun.



D.Axmedov

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 96074 на приобретение ХОРАЗИМ
ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИК ТУМАНИ 4P157 ЙУЛИНИНГ 16-14 КМ ГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОКЛАРИНИ
МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ**

Способ проведения электронный

Дата 07.06.2022

Время рассмотрения 07.06.2022 15:48

Конкурсная комиссия Янгиарик тумани Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	RAJAPOV ANVAR OLLABERGANOVICH	Рахбар	Рахбар
Секретарь комиссии	XAYITOV VALISHER ALISHER O'G'LI	Техник-назоратчи	Техник-назоратчи
Член комиссии	SHARAPOV HIKMATBEK SAIDABDULLAYEVICH	Техника хафсизлиги мухандиси	Техника хафсизлиги мухандиси
Член комиссии	SABIROV KADAMBOY ATABAYEVICH	Инфратузилма объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиги	Инфратузилма объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиги
Член комиссии	PANJIYEV ELBRUS TURDIQULOVICH	Булим бошлиги	Булим бошлиги
Член комиссии	IBRAGIMOV DILSHODBEK NIYAZMATOVICH	Иктисодчи	Иктисодчи

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.06.2022 года № лота 96074.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	мУслуги по капитальному ремонту сооружений Урганч Янгиарик йули 14-16Км йули Чирокларни мукаммал таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	379 732 235.00
Стартовая сумма	379 732 235.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3. Банкротлик холатида эмаслиги тугрисида маълумот 10 бал

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	0.1	Экспертная		

Критерий №2 Мухандис техник , сифат назорати ва мехнат мухофасази лавозимида ишлайдиган олий малумотли ходимлар мавжудлиги хар битта олий малумотли мутахасис ходимга 1 та балдан (максимал 10 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	8	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	0.1	Экспертная		

Критерий №3 5. Солиқ ва бошка тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот 5 бал

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	5	5	5	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	5	5	5	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	5	5	5	Экспертная		

Критерий №4 11. Ташкилотда 5 йилдан ортик ишлаган ходимлар мавжудлиги хар 3 та ишчига 1 та бал (максимал 10 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА	10	10	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILQUM						
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	0.1	Экспертная		

Критерий №5 1. Олий малумотли ишчи ходимлар мавжудлиги хар бир олий малумотли ишчига 1 та бал (my.mehnat.uz сайтидан утказилганлиги учун максимал 10 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	0.1	Экспертная		

Критерий №6 4. Охирги йил мобайнида танловга кўйилган қурилиш турига ўхшаш қурилиш ишлари қилинганлиги (pdf шаклида максимал 10 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	10	Экспертная		

Критерий №7 12. Танловга такдим қилинадиган маълумотларни тугрилигини тасдиқловчи аудиторлик хулоса 10 балл (молия вазирлиги тамонидан сертификатланган аудиторлик ташкилотлари таъмонидан маълумот)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR	10	10	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY SERVIS						

Критерий №8 7. Халқаро ва миллий ИСО сертификатлари мавжудлиги (Халқаро ИСО сертификатининг хар биттасига 3 балдан Миллий ИСО сертификатларининг хар учтасига 1 та балдан максимал 10 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	9	9	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	1	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	0	0.1	Экспертная		

Критерий №9 9. 1 йиллик Хисобланган иш Хақи хажми хар 50 миллион Хисобланган иш хақи хажмига 1 та балдан (максимал 5 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	5	5	5	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	5	5	5	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	5	5	2	Экспертная		

Критерий №10 6. Ташкилотнинг Айланма маблағлар мавжудлиги (Хар бир 100 миллион Айланма маблағга 1 та балдан максимал 10 та бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	10	Экспертная		

Критерий №11 8. Ташкилотнинг сўнги бир йилдаги иш хажми хар бир 500 миллион курулиш фаолияти учун (1 та балдан максимал 10 бал)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	10	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	10	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	10	Экспертная		

Критерий №12 2. Курилиш сохасидаги рейтинг учун максимал 10 балл(3 с ва ундан юкори)

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
REGION STANDART QURILISH M.Ч	10	10	6	Экспертная		
ООО МЕГА QIZILQUM	10	10	5	Экспертная		
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	10	10	6	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	379 732 235.00	365 000 000.00	07.06.2022 10:06:43	10.00
ООО МЕГА QIZILQUM	379 732 235.00	370 000 000.00	07.06.2022 00:37:03	9.86
REGION STANDART QURILISH M.Ч	379 732 235.00	379 500 000.00	06.06.2022 15:20:48	9.62

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
URGANCH ELEKTR STROY SERVIS	43.7724	10	53.7724
ООО МЕГА QIZILQUM	78.5457	9.86486	88.41056
REGION STANDART	85.9095	9.61792	95.52742

QURILISH M.Ч			
--------------	--	--	--

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 96074 от 07.06.2022 года на приобретение ХОРАЗИМ ВИЛОЯТИ ЯНГИАРИК ТУМАНИ 4Р157 ЙУЛИНИНГ 16-14 КМ ГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОКЛАРИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ определила победителем:

REGION STANDART QURILISH M.Ч
302696880

и резервный исполнитель: ООО МЕГА QIZILQUM (301381713)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RAJAPOV ANVAR OLLABERGANOVICH	Согласен	
Член комиссии	PANJIYEV ELBRUS TURDIQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHARAPOV HIKMATBEK SAIDABDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SABIROV KADAMBOY ATABAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	IBRAGIMOV DILSHODBEK NIYAZMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Хоразм вилояти

Xorazm viloyati 220100, Urganch shahar, P.Maxmud ko'chasi,46 uy. Tel: +998904387766, E-mail:
irada13@inbox.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Bekchanova Nellya Axatovna

Sana:30-05-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 44429

Obyekt nomi ««Xorazm viloyati Yangiariq tumanidagi 4R157 yo'lining 16-14km ga tungi yoritish chiroqlarini o'rnatish» ishchi loyihasi»

Buyurtmachi - Yangiariq tumani obodonlashtirish boshqarmasi

Bosh loyihachi - «Elektro loyixa» XK

Litsenziya 23.01.2020yildagi AL-000510-sonli litsenziya

Moliyalashtirish manbai - budget

Bosh pudratchi - tanlov savdolari natijasida

Qurilish turi yangi

Murojaat raqami: № 43341

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Tasdiqlangan loyihalash topshirig'i.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Loyiha tarkibiy bayoniga ko'ra «ishchi loyiha» ning elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyiha hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Qurilish maydonining o'ziga xos xususiyatlari.

Tashqi havo harorati - -19 C.

Normativ shamol bosimi - 38kg/m2.

Normativ qor qatlami vazni - 50kg/m2

Yer relyefi tekis.

Yerlar cho'kmaydi.

Zilzilabardoshligi - 7-8ball.

Yong'inga qarshiligi - 2 toifa.

Yerning normativ muzlash chuqurligi - 0,68m.

3.2. Tehnologik yechimlari.

Loyiha bo'yicha tungi yoritish chiroqlarini o'rnatish ko'zda tutilgan.

Umumiy ishchi yoritish LED yoritgichli yoritgichlar bilan ta'minlanadi.

Ishga tushirish uskunasi sifatida VA 88-37 tipidagi magnitli boshlanuvchilar va avtomatik ajratgichlar ishlatiladi.

Elektr ta'minoti tarmoqlari PVV quvurlarida AVVG kabeli bilan er yuzasidan 0,7 m chuqurlikda yotqizilgan.

3.3. Bosh reja.

Loyihalashtirilayotgan ob'ekt Xorazm viloyati Yangariq tumani 4R157 yo'lining 16-14km da joylashgan.

3.4. Yong'in xavfsizligi.

Ushbu ishchi loyiha qo'shimcha yong'inga qarshi choralarni talab qilmaydi.

3.5. Atrof-muhit muxofazasi.

Elektr qabul qiluvchilarning normal ishlashini, elektr xavfsizligining standartlashtirilgan darajasini va havo liniyalarida yuzaga kelgan ortiqcha kuchlanishidan himoyalaniшни ta'minlash uchun zaminlagich qurilmalari elektr tarmog'ida yopiq neytral bilan amalga oshiriladi.

Yer bilan tegib turgan inshootlar, tuproq va yer osti suvlarining agressivligini xisobga olagan xolda izolyatsiyaga ega.

Ob'ektning joriy narxlardagi narxi R.Uz qurilish sanoati (Toshkent-2021 yilning 4-choragi) foydalanadigan moddiy-texnik resurslarning joriy narxlari Katalogi, birja bahosi va bozor sharoitlari, baholar kelishish bayonnomasi yordamida resurs usuli bilan aniqlanadi.

Buyurtmachining 23.05.2022 yildagi 150-sonli xatiga ko'ra ob'ektning taxminiy narxini aniqlashda quyidagi narx parametrlari qabul qilingan:

- o'rtacha soatlik ish haqi miqdori - 17921,03so'm kishi/soat (shu jumladan, ijtimoiy sug'urta bo'yicha chegirmalar - 12%);
- pudratchining boshqa xarajatlari - 15,51%;
- buyurtmachi boshqa xarajatlari - 19500,000ming.so'm;
- ob'ektning sug'urta qilish xarajatlari - 0,32%;
- tavakkalchilik koeffitsienti - 1,0.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- buyurtmachi bilan;

6. Ekspertiza natijalari.

6.1 Shartnoma bo'yicha import texnologik uskunalarni sotib olish va yetkazib berish xarajatlari va u bilan bog'liq xarajatlar ekspertizadan o'tkazilmaydi.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy ekspert xulosalarining izohlariga muvofiq ishchi loyihasiga asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

Ekspert tekshiruv natijalariga ko'ra ob'ektning umumiy qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan 400440,243ming.so'm miqdorida e'lon qilingan ishlar qiymati 1151,141ming.so'mga kamaytirilib, 399289,101ming.so'm qilib belgilandi, shu jumladan:

- mashina va mexanizmlar - 863,821ming.so'm.
- pudratchining boshqa xarajatlari - 133,979ming.so'm.
- ob'ekt sug'urtasi - 3,193ming.so'm.
- QQS - 150,149ming.so'm.

6.3. Yakuniy harajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro hujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyihaviy hujjatlarni tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori 2019 yil 20 sentabrdagi 4464-sonli qaroriga muvofiq buyurtmach boshqa harajatlari tarkibiga qurilish qiymatidan 0,05% to'lovi "Shaffof qurilish" MAT hisobiga o'tkazilishi va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi».

6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 20 maydagi "Kapital qurilish sohasida buyurtmachi xizmati faoliyatini tubdan isloh qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 3-bob 7 p. 9,10,11,12 va 9-bob 4 ustunlarga muvofiq ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflarni bartaraf etilishi va sifati nazorat qilish (boshlang'ich hujjatlarni to'g'riligini ta'minlashda) mas'uliyati Buyurtmachiga va qabul qilingan loyiha yechimlar, smeta me'yorlariga muvofiqligi mas'uliyati Loyiha muallifiga yuklatilgan.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda «Xorazm viloyati Yangiariq tumanidagi 4R157 yo'lining 16-14km ga tungi yoritish chiroqlarini o'rnatish» ishchi loyihasi ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflar inobatga olgan holda, buyurtmachi qabul qilgan ish hajmi va qiymatni belgilovchi parametrlarning chegaraviy harajatlarga quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarga muvofiqligini tasdiqlagan taqdirda ko'rib chiqqan holda tasdiqlash uchun tavsiya etiladi:

Ko'rsatkichlar nomlanishi	O'lchov birligi	Miqdori	
		Taqdim etilgan	Tavsiya etilgan

Qurilishning QQSsiz joriy narxi	ming.so'm	331 252,385	330 251,392
Qurilishning QQS bilan joriy narxi (15%)	ming.so'm	380 940,243	379 789,101
Buyurtmachi boshqa xarajatlari (fakt.)	ming.so'm	19 500,000	19 500,000
Qurilishning QQS va buyurtmachi xarajatlari bilan joriy narxi	ming.so'm	400 440,243	399 289,101

7.2. Ko'rsatilgan narx shartnoma tuzish uchun asos emas.

7.3. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli, 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.4. Buyurtmachi ekspertizaning izoxlari bo'yicha tuzatilgan loyiha-smeta xujjatlarini bosh pudratchi tashkilotga o'tkazilishini ta'minlaydi.

Bosh mutaxassis: MATYAKUBOV SHIXNAZAR KURAMBAEVICH